



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (12.674)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёшлар ижод саройида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Ораста ёшлар» маркази ёшларининг анжумани ташкил этилди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Тадбир марказ фаоллари томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, эришилган ютуқларни оммалаштириш ҳамда «Ораста ёшлар» маркази фаолиятини самарали йўлга қўйишда ўз хиссасини қўшган ҳамкорлар ва ёшларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.

Маълумки, ёшларнинг сиёсий, маънавий, тиббий маданиятини ошириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, турли салбий ҳолатларга қарши курашишда ўзаро бирлаштириш мақсадида барча туманларда «Ораста ёшлар» марказлари ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда.

Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида ёшлар камолотида қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида сўз юритиб, бошлаган ишларида улкан зафарлар тилашди.

— Жамиятда ёшларнинг барча соҳаларда ўрни ва қадрини топишига қўллаб-қувватловчи яратилган, — дейди Шайхонтоҳур тумани «Оила» маркази раҳбари Дилбархон Аҳмедова. — Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қаратилган қўшида ташкил этилган «Ораста ёшлар» маркази ўтган бир йил давомида нафақат ўзларида юклатилган ишлар, балки «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бо-

расида туманимизнинг чинакам фаолларига айланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ном остида бирлашган ёшлар бугунги кунда Ватанига, маҳалласига бўлган дахлдорлик ҳиссини туйган ҳолда, уни ободонлаштириш, қўламазорлаштириш, тенгдошларини турли зарарли оқимлардан сақлаш каби вазифаларни ўз олдларига қўйиб, биргаликда фаолият олиб бормоқдалар.

Ёшлар анжуманида марказ аъзоларининг бир йил давомида амалга оширилган ишлари юзасидан хисоботлари тингланди. Ўтказилган тарғибот мавзулари доирасида саҳна кўринишлари намойиш этилди.

— «Ораста ёшлар» маркази аъзосиман, — дейди Шаҳзод Аширов. — Менга тумандаги «Тинчлик», «Ил-ғор», «Боғқўча» ва «Эски Жарариқ» маҳаллалари бириктирилди. Мазкур маҳаллаларда ёшларни ОИТС, гиёҳвандлик, одам савдосидан сақлаш, мобил телефонларнинг салбий оқибатлари ҳақида семинар-тренинглари олиб бордим. Бундай тадбирларда ёшлар билан ўзаро фикр алмашиш, «Тенгдош-тенгдошга» таъминоти остида муаммони тезроқ ҳал этиш мумкинлиги бўйича ишлар олиб борилди.

Анжуман давомида санъаткорларнинг чиқишлари, дилбар куй-қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Тадбир сўнггида «Ораста ёшлар» маркази ва маҳалла фаолларига ташкилотчиларнинг faxрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРДАГИ ЮТУҚЛАРИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

«Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда 40 дан зиёд мамлакатдан 200 дан ортиқ чет эллик олимлар, экспертлар, инвесторлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари иштирок этди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуманининг очилиш маросимида сўзлаган нутқини катта қизиқиш билан кутиб олди.

ЎЗА мухбирлари конференциянинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

Ораса ДИССАТАПОРН хоним, Таиланд қишлоқ хўжалиги ва кооперация вазирлигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рағбатлантириш ва менежмент бюроси директори:

— Президент Ислом Каримов нутқи мени гоёт тўлқинлантирди. Унда мамлакатингиз бугунги улкан ютуқ ва марраларга қандай омиллар эвазига эришгани аниқ баён этилган аҳамиятга молик. Давлатингиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон танлаган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — «Ўзбек модели» бугун мамлакатингизнинг ҳар соҳада юксак натижаларга эришишида муҳим омил бўлаётди. Ушбу машҳур модель бозор муносабатларига асосланган ҳукукий демократик давлат қуриш стратегияси сифатида Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Ўзоқни кўзлаган, пухта ва ҳаётийлигини исботлаган бу стратегия бошқа мамлакатлар учун ҳам ўрнак олса арзғишликдир.

Ўзбекистонда нафақат ширин-шаркар мевалар, тотли сабзавотлар етиштирилишига, балки улар халқаро стандартлар асосида қайта ишланаётганига ҳам ғувоҳ бўлдим. Бу маҳсулотлар юксак сифати, рақобатбардорлиги ва табиийлиги билан ҳар қандай харидорга маъқул келиши шубҳасиз. Ўзбекистонда салқин ичимликлар, жумладан, турли меваларнинг лаззатли шарбатлари ишлаб чиқарилаётгани билан яқиндан танишдик.

Тошкент кўчаларида сайр қилиб, турфа автомобилларга кўзим тушди. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган бундай замонавий автомобиллар Ўзбекистоннинг бу борадаги юксак салоҳиятини ва истиқлол йилларида эришилган улкан муваффақиятларини намойён этмоқда.

Жужанна ЯКОБ хоним, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори:

— Мазкур конференция бутун дунё мамлакатлари учун гоёт долзарб мавзуга бағишланган йирик анжуман бўлди. Халқаро форум жаҳон озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, аҳолини сифатли ва хавфсиз

маҳсулотлар билан таъминлаш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш каби бугунги куннинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш имконини берди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш учун зарур қонунчилик ва меъёрий база яратилган. Мамлакатингизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳиммалдор аёлларни таркибда соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд маҳсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом ва баркамол фарзандларни дунёга келтириш бўйича амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирлари жаҳонда кам учрайди. Унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Президент Ислом Каримов томонидан 2014 йил Ўзбекистонда Соғлом бола йили, деб эълон қилинган эътиборга молик. Зотан, давлатингиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакат тараққиётининг асоси соғлом авлоддир. Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини муваффақиятли амалга ошираётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мана шундай ислохотлар натижасида тарихан қисқа муддатда мамлакатда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайгани диққатга сазовор. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқларининг ёрқин ифодасидир.

Жан-Луис РОЛО, Валлон қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари маркази бош илмий ходими (Бельгия):

— Президент Ислом Каримовнинг маълумотларга бой нутқидан қўйлаб янги ва муҳим қирраларни кашф этдим, тажрибамни бойитдим. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, олиб бориладиган изчил ислохотлар ва амалга оширилаётган изчил дастурлар, эришилган юксак натижалар борасидаги қўллаб-қувватловларни катта қизиқиш билан тингладим. Мамлакатингиз раҳбарининг улкан эътибори ва ғамхўрлиги самарасида халқингиз фаровон турмуш кечириши тўлиқ таъминланаётганини жуда қувватладим.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон теннис федерациясининг вилоят бўлими ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги «Локомотив» жисмоний тарбия ва спорт клубида қайта таъмирланган 3 та асфальт қопламали, 4 та қумли теннис корти фойдаланишга топширилди. Айтиш жоизки, ҳозирда вилоятда 2 та теннис клуби, битта ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда.

• Урганч шаҳридаги «Табассум сервис» хусусий фирмаси қошида маҳаллий хомашё — чармдан тайёр маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар ва катталар кийим-кечаклари, ҳар хил турдаги сумкалар, маҳсус иш кийимларининг бичими, тикилиши ва дизайни харидорларга манзур бўлмоқда.

• Қарши шаҳрида «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номли мусикали драма театрида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Термиз давлат университетида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ёш ижодкорларининг «Истеъдод мактаби» МШ минтақавий семинари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг «Apple» компанияси «iPhone» смартфонини инсон саломатлигини назорат қилиб боровчи дастурлар билан бойитиш бўйича изланишлар олиб бормоқда. Келажақда мобил телефонлар ёрдамида одамнинг жисмоний фаоллиги, томир уриши ва қон босими ҳақидаги маълумотларни билиб олиш имконияти яратилади.

• Еврохудуддаги аъзо мамлакатлар оғир молиявий-иқтисодий инқироз шароитидан аста-секин чиқа бошлаётган бўлса-да, бу ҳолат ҳали меҳнат бозорига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатгани йўқ. Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида Италияда ишсизлик даражаси 13,6 фоизга етган. Бандлик билан боғлиқ бундай салбий кўрсаткич Италияда сўнгги 37 йил ичида илк бор қайд этилди.

• Халқаро ҳаво транспорти асоциацияси (IATA) ўтган йилнинг декабрь ойида 2014 йилда жаҳон авиасаноати йўловчилар ташишдан 18 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад олишини баъшорат қилганди. Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, ана шу тахмин 3,5 фоизга пасайтирилди. Экспертларнинг фикрича, дунё иқтисодиётида бу йил ўсиш бир оз суст кечмоқда. Бу авиасаноатга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Хабар берилганидек, «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизда келган БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Сильва Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашди.

Ўзбекистон БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига (Food and Agriculture Organization — FAO) 2001 йилда аъзо бўлган. Ўтган давр мобайнида ўзаро ҳамкорликда қурғоқчиликка қарши курашиш, ер деградациясининг олдини олиш, ўрмон хўжалигини ҳамда сабзавот уруғчилигини ривожлантириш, сувдан фойдаланишнинг тежамкор технологияларини жорий этишга оид ишлар амалга оширилган. Бугунги кунда балиқчилик ва аквакультуранинг ривожлантириш, тоғли ҳудудларда дарё ҳавзаларини барқарор бошқариш, зараркунандаларга қарши курашиш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон пахта монокультурасига асосланган республикадан иқтисодий салоҳиятини кенг намойён этаётган, барча соҳалар изчил ривожланаётган мамлакатга айланди, — деди Жозе Грациану да Сильва. — Озиқ-овқат экинлари майдони кенгайтирилаётгани, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш саноати жадал ривожланаётгани эътиборга сазовор. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бошқа мамлакатларда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкентда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ваколатхонаси очилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Мамлакатимизда БМТнинг қатор таркибий тузилмалари — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Тараққиёт дастури, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури ваколатхоналари фаолият кўрсатаётди. Пойтахтимизда БМТнинг яна бир нуфузли органи — Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ваколатхонасининг очилиши ўзаро ҳамкорлик қўламини кенгайтиради. Мазкур ваколатхона мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳа ходимларининг малакасини ошириш, жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва мамлакатимизнинг бу борадаги ютуқларини кенг ёйишга хизмат қилади.

А.САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

Тошкентдаги тўрт юздан ортиқ корхона ва ташкилотда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун амалиёт синфлари ташкил этилган. Бу бўлажак мутахассисларга ўз салоҳиятини тўла намойиш этиш ва танлаган касби бўйича ишга жойлашиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Ўқув йили нихоясига етиши билан касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳаётида янги давр бошланади. Уларнинг аксарияти келажакда қайси соҳада меҳнат қилишини яхши билади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар ўрта махсус таълимга нисбатан ёндашуви тубдан ўзгартирди. Бу таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида мустақам ҳамкорликнинг ўрнатилиши, жадал ривожланаётган мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, ҳаётга муваффақиятли жорий этилган тизим нафақат касб-хунар коллежларида таълим-тарбия сифатини оширди, балки битирувчиларнинг иш билан таъминлини борасида ҳам кенг шароитлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6

июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорига мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи касб-хунар коллежлари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, тегишли идоралар, ҳомиёлар, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг биргаликдаги сўй-ҳаракатлари билан уч томонлама шартнома тузиш орқали ҳал этилмоқда.

Бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ўтказилаётгани битирувчиларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёш мутахассисларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Ўшбу ишлар доирасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида битирувчилар учун бизнес лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томони-

дан ёш тадбиркорларга фаол қўмак берилмоқда. Жумладан, ёш тадбиркорларнинг фаолиятини йўлга қўйишга ёрдам берадиган имтиёзли кредит ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси маълумотларига қўра, пойтахтимиздаги касб-хунар коллежларида 134 мутахассислик бўйича ўқитилмоқда. Жорий йилда пойтахтимиздаги шундай таълим масканларини меҳнат бозорига талаб юқори бўлган замонавий касб, мутахассисликка эга бўлган 35 минг на-

БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

фардан зиёд ёш битиради. Бунга иқтисодиётимиз тармоқларида турли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни мунтазам таҳлил қилиш, шунингдек, ўқув юртларининг корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ёрдамида эришилмоқда.

Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бош мутахассиси Саъдулла Қурбоннинг айтишича, касб-хунар коллежларида таълим сифатини ошириш мақсадида марказ ҳузурида махсус методик хизмат ташкил этилган. Унинг ходимлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолиятини таҳлил этади, таълим ва турли тармоқ стандартларига риоя этилишини назорат қилади. Ўқув режаларини мониторинг қилади, барча зарур асбоб-ускуналар, ўқув қўлланмалари, дарслик ва бошқа ўқув адабиётлари билан таъминланганини текширади. Бундан ташқари, таълим жараёни самарадорлиги ва битирувчиларни иш билан таъминлашга қай даражада йўналтирилганлигини баҳо-

лайди, касб-хунар коллежлари раҳбариятига «ўқитиш — ишлаб чиқариш» принципи бўйича узлуксиз тизимни яратиш мақсадида корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ўз тавсия ҳамда таклифларини беради.

Жорий йилда пойтахтимиздаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари 9700 дан зиёд корхона ва ташкилотда амалиёт ўтади. 85 фойиздан ортиқ битирувчи билан уч томонлама шартнома имзоланган бўлса, уч юз киши ишлаб чиқариш амалиёти давомида ишга қабул қилинди.

— Мени «ПГС» ишлаб чиқариш корхонаси ишга таклиф қилди ва ҳозир бу ерда электромонтажчи бўлиб ишламоқдаман, — дейди Асан Сейдаметов. — Амалиётнинг биринчи кунидан корхонанинг тажрибали ходимига бириктирилдим. Танлаган касбимни пухта эгаллаш учун бор кучимни ишга солдим. Бунинг самарасида олдимга қўйган мақсадимга эришмоқдаман.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланаётгани касб-хунар коллежлари битирувчилари учун қўшимча иш ўринлари ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яратилаётган бундай имтиёз ва преференциялар самарасида янги корхона ва фирмалар очилмоқда.

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасига ҳар ойда бўш иш ўринлари рўйхати тақдим этилади. Айни пайтда бўлғуси битирувчи саккиз мингдан ортиқ бўш иш ўринидан бирини танлаши мумкин. Меҳнат бозорига ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ўн йил аввал шифокор, ўқитувчи каби ижтимоий соҳа ходимларига талаб юқори бўлган бўлса, энди иқтисодиёт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун зарур бўлган касб эгаларига талаб ортмоқда. Жорий йилда саноат ва ишлаб чиқариш, коммунал хизматлар, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассислари учун энг кўп бўш иш ўринлари таклиф қилинди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда коллеж ўқувчиларининг ўз салоҳиятини юзага чиқариши, танлаган касбида ишлаши ва фаолиятида муваффақиятга эришишига имкон берадиган касбларни эгаллаш учун салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Архивлар фаолиятдан

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси илмий-технавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви 1962 йилда ташкил топган бўлиб, Марказий Осиёда ягона ва республикада етакчи архивлардан бири ҳисобланади.

Архивда 250 мингдан ортиқ саклов бирлигида ҳужжатлар сақланади. Улар илм, фан, техника, саноат, қурилиш, транспорт, конструкторлик, рационализаторлик, ирригация, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари ҳамда тиббиёт соҳасининг ривожланиш тарихига оид бўлган ҳужжатлардир. 160 мингдан ортиқ саклов бирлигидаги ҳужжатлар Миллий архив фонди ҳужжатларини ташкил этади. Шулар қаторида архивда илмий-технавий, тиббиёт ва бошқа соҳаларга оид бўлган шахсий таркиб ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Шахсий таркиб ҳужжатларига асосан — фуқароларнинг меҳнат фаолиятини тасдиқловчи буйруқ китоблари, Т-2 карточалари, шахсий варақалари, ойлик маош китоблари, меҳнат дафтарчалари кирди.

— Мана шу шахсий таркиб ҳужжатлари асосида архив ходимлари фуқароларга уларнинг мурожаатлари бўйича архив маълумотлари бериш ишларини ҳам бажарадилар. Фуқароларнинг қабулини олиб бориш учун архивимизда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси илмий-технавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви катта илмий ходими Соҳиба Раззокова. — Фуқароларни қабули билан махсус ходимлар шугулланадилар. Қабул белгиланган кун ва соатларда, фуқароларга қўлай вақтда қабул учун жиҳозланган махсус хонада олиб борилади.

— Фуқаролар мурожаатларига қайси Қонун ҳужжатига асосан жавоб қайтарилади?

— Фуқароларнинг мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга асосан бажарилади. Бу қонун фуқароларнинг давлат корхоналари, муассасаларига мурожаатларини тартибга солади.

— Ҳозирги кунда нафақаларини расмийлаштириётган фуқаролар архив маълумотномаларини олиш учун архивларга мурожаат қиладилар. Мана шу маълумотларни олиш учун қандай тартибда архивга мурожаат қилиш мумкин, бунда улар ўзлари билан қандай ҳужжатлар олиб келишлари керак?

— Фуқаролар асосан ариза, таклиф ва шикоят билан давлат корхоналари, муассасаларига мурожаат қилишади. Улар шахсан мурожаат қилишлари, шунингдек, бу борадаги ваколатини ўз вакилларига беришлари ёки мурожаатини алоқа воситалари орқали юборишлари ҳам мумкин. Масалан электрон почта, факс ёки почта орқали жўнатса бўлади. Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Архивга маълумотнома олиш учун фуқароларнинг ўзларининг шахсларини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки нусхаси) меҳнат фаолиятини тасдиқловчи меҳнат дафтарчаси (ёки нусхаси) билан мурожаат қилишлари талаб этилади. Кўпинча фуқаролар меҳнат дафтарчаларини йўқотган бўлишди, бу ҳолатда паспорт билан мурожаат этишлари мақсадга мувофиқдир.

— Айтинчи, фуқаролар оммавий ахборот воситалари, айтилик, интернет орқали ҳам мурожаат этишадими?

— Ҳа, ҳозир техника ва технологиялар ривожланган давр. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ягона интерактив хизматлари портали очилган бўлиб, ушбу портал орқали Ўзбекистон ва бошқа республикалар фуқаролари архивларга мурожаат қилишлари мумкин.

— Фуқароларнинг сўров-аризалари бўйича қандай архив маълумотномалари берилади?

— Фуқаролар сўров-аризалари бўйича меҳнат фаолияти (иш стажини) тасдиқловчи, иш ҳақи (ойлик маоши) тўғрисида, сайловларда сайланганлиги, муқофотлар олганлиги ҳақида, даволатида бўлганлиги, таълим олганлиги ҳақида, фуқаролик ҳолати, меҳнат ва мулк ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида маълумотлар олишлари мумкин.

Ҳозирги кунда фуқаролар қарилик нафақаларини расмийлаштириётганликлари сабабли, улар кўпроқ меҳнат фаолияти ва ойлик маоши ҳақидаги архив маълумотномалари олиш учун мурожаат этиштиради.

Шуни айтиш кераки, архив маълумотномалари архивларда сақланаётган ҳужжатлар асосида берилади, шу маълумотномани бажариш учун фойдаланилган манба (яъни ҳужжат) аниқ ва тўлиқ кўрсатилган ҳолда берилиши мумкин. Масалан фонднинг, рўйхатнинг, йиғмажилднинг тартиб рақами кўрсатилади.

Архивда мавжуд бўлмаган, яъни сақланмаётган ёки сақлаш учун ҳужжатлар топширилмаган ҳолларда ҳужжатлар йўқлиги ҳақида жавоб берилади.

Архивимиз сакловига топширилмаган ҳужжатлар юзасидан фуқароларга тавсиялар беришга, уларга ана шу ҳужжатларни топишда иложи борица ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинади.

— Ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги маълумотлар қандай шаклда берилади?

— Фуқаролар ва ташкилотларнинг сўровлари бўйича ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги маълумотлар архив маълумотномалари, архив нусхалари ва архив кўчирмалари шаклида берилади. Бунда архивда сақланаётган ҳужжатлар асосида берилаётган архив кўчирмалари ҳужжатда қандай ёзилган бўлса шундай тарзда берилади, ўзгаришлар, қўшимчалар, шарҳлар келтирилишига йўл қўйилмайди. Агар архив ҳужжатлари асосида берилаётган маълумотнома ва аризада келтирилган маълумотнома орасида тафовут, нумутаносиблик бўлса «ҳужжатда шундай» сўзлари билан изоҳланади.

Масалан, фуқаронинг паспортини кўрсатилган фамилияси, исми ёки отасининг исми архив ҳужжатида ўзгарган ҳолда учраса, биронта харфи нотўғри ёзилган бўлса, айтилик, Файзиевнинг ўрнига Пайзиев ёзилган ва шунга ўхшаш тафовутлар бўлса «ҳужжатда шундай» деб изоҳ берилади. Шу ва шунга ўхшаш бошқа хато ёки тафовутларни тўғрилаш ман этилади.

— Айтинчи, кўриб чиқилмайдиган мурожаатлар ҳам бўладими?

— Албатта, фуқароларнинг фамилиялари, манзиллари ва имзолари бўлмаган мурожаатлар аноним ҳисобланади ва архив томонидан кўриб чиқилмайди.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди



Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш борасида улкан салоҳиятга эга. Бинобарин, маҳсулотларни сақлаш ва қадоқлашдек долзарб масалани ҳал этиш бозорларнинг сифатли маҳсулотлар билан янада тўлдирилишига хизмат қилади.

Аскар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

Қарор ва ижро

ЮРИДИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, Тошкент давлат юридик университети жамоаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Канязов ва бошқалар мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислох этиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, мутахассислар салоҳиятини ошириб боришга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатни ҳуқуқий жиҳатдан модернизация қилишга қаратилган ислохотларга ҳамоҳанг бўлди. Қарорга мувофиқ Тошкент давлат юридик университети Тошкент давлат юридик университети сифатида қайта ташкил этилди.

Анжуманда ўтган давр мобайнида бакалавр ва магистрларни тайёрлаш билан боғлиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режаси ва дастурлари қайта ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Талабаларда тизимли таҳлил қилиш ва юридик фаолиятнинг тегишли соҳаларини бошқариш қўникмаларини ривож-

лантириш мақсадида ўқитишнинг модули тизимига ўтиш ва замонавий шакллари жорий этган ҳолда машғулотларни ташкил этиш йўлга қўйилмоқда.

Ўқув режасига маъруза ва семинар машғулотлари билан бирга амалий машғулотлар ҳам киритилди. Шу орқали талабаларнинг ҳужжатлар билан ишлаш, муайян вазиятларга ҳуқуқий баҳо бериш, ҳуқуқ нормаларини қўллаш қўникмалари шакллантирилмоқда. Махсус юридик фанлар, қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари, ҳуқуқни қўллаш бўйича идоравий тузилмалар раҳбарлари, масъул ходимлари томонидан университетда маъруза ўқиш машғулотлари ўтказиш амалиётининг жорий этилгани талабаларнинг амалий қўникмаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётган.

Тадбирда бакалаврлар тайёрлаш талаблари, талабаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда стажировка ўташ тартиби, ҳорижий тилларни ўрганиш асослари, таълим даргоҳининг халқаро алоқаларини ривожлантириш, илмий-тадқиқот фаолиятига ёшларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлари юзасидан берилган саволларга атрофича жавоб қайтарилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРДАГИ ЮТУҚЛАРИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуман доирасида Ўзбекистонда картошка етиштириш саноати билан яқиндан танишиб, фермерлар билан музокаралар ўтказдим. Қўлаб ҳўжаликларда бўлиб, картошка етиштириш усуллари ва жараён билан танишдим. Ўзбек фермерлари билан бу борадаги ҳамкорлигимизнинг келажакдаги порлоқ.

Ханс ХУБЕН, «IG-Projects» компанияси директори (Нидерландия):

— Президент Ислам Каримов нутқи мамлакатингиз иқтисодиётида, жумладан, озиқ-овқат саноати соҳасида эришилган муваффақиятлар, соҳада пухта ишлаб чиқилган дастур ва чора-тадбирларга оид фойдали маълумот ва маслаҳатларни қамраб олгани билан барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Давлатингиз раҳбари томонидан мамлакатингизда мустақиллигингиз дастлабки йилларидан озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш, айниқса, галла мустақиллигини таъминлаш қатъий вазифа қилиб қўйилгани, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги ва дон мустақиллиги таъминлангани таҳсинга сазовор. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш, фермер ва ишбилармонларга имтиёзлар яратишга катта эътибор қаратишмоқда. Бундай юксак эътибор Ўзбекистон иқтисодиётининг мутасил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Анжуман Ўзбекистон ва дунё мамлакатларида агросаноат соҳасида олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотлар билан яқиндан танишиб, фикр ва тажриба алмашиш, ҳамкорликда турли лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай замин яратди.

Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан иссиқхона технологиялари ва лойиҳаларини ҳаётга таъбиқ этиш борасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатишдан манфаатдоримиз.

Ирода УМАРОВА,
Надира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

ЛОЙИҲА ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси қошидаги «Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази»да инглиз тили бўйича иншоолар танловининг галибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда уюшма аъзолари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари, марказ фаоллари иштирок этди. Маълумот ўрнида келтириш кераки, мазкур уюшма қошидаги «Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази» мамлакатимиз Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда жорий йилнинг 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Тинчлик-осойишталик, ватанпарварлик, интилувчанлик, жамият олдидаги масъулият сингари маззуларда ёзилган иншооларни республикаимиздаги энг илғор мутахассислар, Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмасининг тренерлари, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчилари, Британия Кенгагининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати диққат-эътибор билан саралаб, энг иқтидорлиларни аниқлашди.

«Writing Club» — инглиз тилида ёзиш қўникмаларини юксалтиришга қаратилган тўғарақ лойиҳаси орқали чет тилларга оид билимларимизни оширдик ҳамда етакчилик қобилиятларимизни янада ривожлантирдик, — дейди танлов иштирокчиси, марказ фаоли Саидазиз Аъзамов. — Марказдаги фаол аъзолар иштирок этган ушбу иншоолар танлови бир ой олдин эълон қилинган эди. Тадбирнинг инглиз тилида бўлиб ўтгани барча қатнашчилар қатори менда ҳам катта таассурот қолдирди.

Тадбир якунида иншоолар танловининг галибларини аниқлашиб, уларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, галиблар билан бир қаторда ўз иқтидорини намойиш этган ёшлар ҳам ташкилотчилар томонидан ташкил этилган бир ҳафталик семинар-тренинг машғулотларида иштирок этиш йўланмасига эга бўлдилар.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ

СОҒЛОМ ОИЛА — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Шаҳримиздаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улуғбек тумани бўлими ташаббуси билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Туман ёшлари иштирокида бўлиб ўтган тадбир «Соғлом оила — келажак пойдевори» деб номланди. Унда иштирок этганлар оиланинг жамият ҳаётида, ёшлар тарбиясида тутган ўрни беқиёс эканлигини эътироф этишди.

Соғлом бола йили муносабати билан уюштирилган тадбирда келажакимиз ворисларининг баркамол шахс бўлиб вояга етишларида соғлом турмуш тарзига амал қилиш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари, касб-хунар ўрганишларида имкон яратиш зарурлиги таъкидланди. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантиришда китобнинг аҳамияти беқиёс эканлиги тадбир ташкилотчилари томонидан таъкидлаб ўтилди.

Анвар ЙЎЛЧЕВ

Болалар-спортчи Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлиб

Жисмоний тарбия ва спортни болалар ҳамда ўсмирлар ўртасида омаллаштиришда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамда жамғарманинг туманлардаги бўлимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар аллақачон ўз самарасини бера бошлагани бугун кўпчиликка аён.

Бектемир туманида ҳам болалар, ўсмирлар ҳамда қизларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари катта аҳамият берилмоқда.

Тумандаги 24, 25, 36-сонли БЎСМларда айна кунларда 1496 нафар болалар (шундан 391 нафари қизлар) спортнинг футбол, бокс, ўзбек жанг санъати, кураш, теннис, стол теннис, бадий гимнастика, волейбол, баскетбол, тазвондо WTF, шахмат, шашка, соғломлаштириш гимнастикаси каби турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда. Болалар ва ўсмирларнинг спорт сирларини мукамал ўзлаштиришлари учун БЎСМларда ўз касбининг усталари, малакали мураббийлар фаолият олиб боришмоқда.

Хар йили туманидаги БЎСМлари ўқув йили бошида жамғарма ёрдами билан жорий таъмирдан чиқарилади. Спорт мактабларида ўқувчиларнинг пухта билим эгаллашлари, спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар мўжайиб. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан жорий йилда ҳам 24, 25, 36-сонли БЎСМларга спорт анжумани тўхфа этди. Туманида 640 нафар қиз спорт билан мунтазам шуғулланиди. Уларга Президент софаси бўлими спорт либосларининг топширилганлиги қизларимизнинг кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Бу каби эътибор ҳамда

гамхўрликларга туманимиз ёшлари ўзларининг спортда эришган муваффақиятлари билан жавоб бераётганликлари қувонарли хол. Масалан, Таиландда ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича уюштирилган Осиё чемпионатида қатнашган Бектемир тумани вакили Сардор Холматов якунда фахрли 3-ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирланди. Яна бир умидли эркин курашчимиз 11 ёшли Дони-

чилар (шундан 156 нафари қизлар) қатнашган бўлса, «Соғломжон — полвонжон» мусобақаларида 100 нафар қиз-қизлар (60 нафари қизлар) голиблик учун кураш олиб борди.

Хар йили Наврўз байрамига бағишлаб туманимиздаги Геннадий Красницкий номи стадионда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ташкил этилади. Унда Қозғистондан ҳам ўсмирлар жамоаси қатнашади. Жорий йилги футбол бешлашуларидан ҳам Қозғистон ўсмирлари жамоаси билан бирга Олмалик, Бухородан келган ёш футболчилар голиблик учун кураш олиб боришди. 2002 йилда туғилган 8 та болалар жамоалари иштирокидаги бахслар якунида биринчи ўринни пойтахтимиздаги 77-сонли спорт мактаб-интернати жамоаси эгаллаган бўлса, Бухоро-ликларга 2-ўрин, қозғистонликларга 3-ўрин насиб этди. Мусобақада қатнашган туманимиздаги 24-БЎСМ жамоаси 5-ўрин билан қиёяланди.

Эндиги режалар ҳақида икки оғиз сўз. Ёз мавсуми ҳам бошланди. Туманимиздаги 289, 291-мактаблар қошида ёзги оромгоҳлар ташкил этилди. Ўқувчиларнинг ёзги таълим кунларининг сермизмун, мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида ҳар хил спорт турлари бўйича оромгоҳларда жамғарма томонидан мусобақалар уюштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун туманимиздаги мута-сиддилар қўлларидан келганча ҳаракат қилмоқдалар.

Лариса ЗАБАРИНА,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси
Тошкент шаҳар филиали Бектемир тумани бош
мутахассиси

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг жисмонан бақувват, маънан етук шахслар бўлиб вояга етишларида спортнинг аҳамияти беқиёс.

Жамғармалар фаолиятдан ЁШЛАРГА КЎМАК — БУРЧИМИЗ

ёр Мухторов ўсмирлар ўртасида пойтахтимизда ўтказилган шахар чемпионатида фахрли 2-ўринни эгаллади. Бундай миқдорлар жуда кўп. Туманимиз ёшлари орасида тазвондо WTF ва эркин курашга қизиқувчилар сони кўпчиликти ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, ушбу спорт турлари туманимизда жадал суръатда омаллашиб бормоқда.

Барча спорт турлари бўйича жамғармалар ташаббуси билан туман миқёсида турнирлар уюштириш аъёнага айланган. Жорий йил бошидан то шу кунгача 20 га яқин турли хил спорт мусобақалари ўтказилганлиги фикримизга далил бўла олади. Масалан, жорий йилда туманимиздаги 577, 578, 580-мактабга таълим муассасаларида, 36-сонли БЎСМда, «Зилола» маҳалласида, коллеж ҳамда лицейларда «Соғломжон — полвонжон», «Алпомш и Барчиной» спорт мусобақалари уюшқоқлик билан ўтди. «Алпомиш ва Барчиной» мусобақаларида 320 нафар ёш спорт-

ТЕННИСЧИЛАРНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ

Мамлакатимизда спорт ривожига, айниқса, болалар спортини юксалтириб, терма жамоаларимиз сафини маҳоратли ва ёш спортчилар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бундан мақсад — жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиш, юртимиз шарафини янада юксалтиришдир.

Бундай юксак натижаларга, албатта, ўз ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун спорт иншоотлари, спортга ихтисослашган мактаблар ва спорт клублари фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш керак.

Юртимизда спортчилар маҳоратини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. 120 га яқин спорт иншоотлари, ўнлаб Республика олимпия заҳиралари мактаблари ва бир қатор спорт клублари ёш фарзандларимиз ихтиёрига бериб қўйилган қувонарли хол.

Ўзбекистонда кўпга спорт турлари каби теннис ҳам жадал ривожланмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда теннис сезиларли даражада тараққий этди. Бундан ўн беш йиллар аввал жаҳон кортларида Олег Огородов, Ирода Тўлаганова каби теннисчилар Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш бўлса, ҳозир Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Оқул Омонмуродова, Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова каби теннисчиларнинг янги авлоди, бир қатор ёш маҳоратли вакиллариимиз жаҳоннинг номдор спортчилари билан тенгма-тенг кураш олиб бормоқдалар.

Юқори малакали теннисчиларни тайёрлаш, уларнинг спорт маҳоратларини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимиз терма жамоаси сафларини ёш теннисчилар билан тўлдириш ҳамда юқори даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелда қабул қилинган «Республика Олимпия заҳиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

2008 йил 13 июнь кун мазкур қарор ижроси йўлида Тошкент шаҳрида Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби очилди.

Мазкур мактабда ҳозирги кунда 55 нафар ёш теннисчилар ўз маҳоратини оширмоқда. Уларга 10 нафар халқаро тоифадаги устоз ва мураббийлар сабоқ бермоқда.

Бундан ташқари, Республика олимпия заҳиралари теннис мактабининг заҳираси ҳисобланган 100 нафарга яқин бошланғич синф ўқувчиларига ҳам доимий эътибор қаратишмоқда. Улар бошланғич таълим ўқув дастури асосида билим оладилар ва теннис машғулотларида иштирок этадилар.

Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби ўзининг интернатида ҳам эга. Бу ерда яшайдиган мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган ўқувчилар турар жой, қунига тўрт маҳал иссиқ овқат, спорт анжомлари, теннис формалари билан таъминланганлар.

Мактабда 20 та теннис корти мавжуд бўлиб, уларнинг 13 таси резина қопламали, 4 таси қуви билан қопланган очик кортлардир. Шунингдек, 3 та «Хард» — резина билан қопланган ёпиқ кортлар ҳам мавжуд. Бундан ташқари, 2 та машғулот зали, ёзги сузиш ҳавзаси, тренажёр зали ҳамда 2 та сауна ҳам ўқувчилар ихтиёрига берилган. Бугунги кунда аъёнавий тус олган қизлар ўртасидаги «WTA-TASHKENT OPEN» ва ўсмирлар иштирокидаги «ATP-TASHKENT CHALLENGER» мусобақалари ҳам айнан мана шу теннис мактаби кортларида ўтказилади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: турнирдан лавҳа

Спорт турлари орасида сув спорти инсоннинг чиниқишида, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишида муҳим роль ўйнайди.

Интиланганга — толе ёр

МАҚСАДИМ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ

Бугунги кунда юртимизда айниқса сузиш ҳам ёшлар орасида жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Буни кейинги йилларда кўпгина тенгдошларимиз сузиш билан мунтазам шуғулланаётганликлари, туман, шаҳар, республика ва халқаро миқёсдаги турнирларда қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётганликлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Мен ҳозир ўн уч ёшдаман. Олмазор туманида истикомат қиламан. Телевизорда, матбуотда сузиш спорти ҳақида эълон қилинган материаллардан таъсирланиб, менда ҳам ушбу спорт турига ҳавас уйғон-

ди. Уйимдагиларга сузиш билан жиддий шуғулланишни истаётганлигимни, орязим профессионал спортчи бўлиш эканлигини айтдим. Отам ҳам, онам ҳам хоҳишимга қарши чиқишмади. Сузиш билан жиддий шуғуллана бошладим. Аввал ўз ёш тоифада Олмазор тумани, кейинроқ шаҳар миқёсидаги мусобақаларда иштирок этдим. Ушбу турнирларда совриндор бўлганлигим устозларимни ҳам, ота-онамни ҳам қувонтирди. Мухими, профессионал спортчи бўлишга ишончим орди. Кейинги турнирларга янада иштиёқ билан тайёргарлик кўра бошладим.

Ўтган йили мен учун олам-олам қувончли лаҳзаларни тўхфа этди десам, янглишмайман. Тошкентда сузиш бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган халқаро турнирда қатнашиб маррага ҳаммадан аввал сузиб келдим ва биринчи ўринни эгалладим. Ғалаба шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилди, мадҳиямиз янграганида кўзимда қувонч ёшлари қалқиди. Жуда ҳам тўқилинган кетдим. Бундан ташқари ўтган йили Тошкентда ўсмирлар ўртасида сузиш бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида муваффақиятли қатнашдим. Тинимсиз машғулотлар ўз самарасини бер-

ди. Ўзбекистон чемпионатида 12 ёшли ўсмир қизлар орасида яна омад менга қулиб боқди.

Шунингдек, ўтган йилнинг 25-28 август кунлари Германияда сузиш бўйича ташкиллаштирилган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилдим. Мусобақада бор имкониятим ва маҳоратимни ишга солиб, мураббийларим кўрсатмаларига амал қилдим. Натижа чакки бўлмади. Яна биринчи ўрин эгаси бўлдим.

Энди сузиш спортисиз ҳаётимни тасаввур қила олайман. Юқорида таъкидлаганмакдас, келгусида сузиш билан янада жиддий шуғулланган ҳолда жаҳон ва Осиё чемпионатларида қатнашиб, катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиш бош мақсадим.

Сузим якунида мен азиз тенгдошларимга албатта бирор-бир спорт тури билан мунтазам шуғулланам. Ана шунда сиз жисмонан бақувват, маънан етук бўлиб вояга етасиз, демоқчиман.

Севара АЛИШЕР қизи



Акамдан қолган мулкни яқинлар билан ўзаро қилишув асосида тақсимлаб олмақчи эдим. Шу ўринда қимга қанча тегишини ворислик ҳуқуқи асосида тақсимламоқчимиз. Айтин-чи, мерос қолдирувчининг биринчи, иккинчи ва учинчи наватдаги ворислари қимлар ҳисобланадими?

А.Ҳасимов,
Бектемир тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан: Мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, турмуш уртоғи, ота - онаси, шунингдек, фарзандликка олгучилари ҳам тенг улушларда қонун бўйича биринчи наватдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Фуқаролик кодексининг 1136-моддасига асосан: Мерос қолдирувчининг туғилган, ҳамда ота бир, она бошқа, ёки ақсига бўлган ака - укалари ва опа - сингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва буvisи тенг улушларда қонун бўйича иккинчи наватдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Фуқаролик кодексининг 1137-моддасига асосан: Мерос қолдирувчининг туғилган ама-киси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи наватдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлишлари белгиланган.

Наргиза МУХАММАДИЕВА,
Сергели туманидаги 4-сонли
ДНИ нотариуси

Синов муддатиди асосида ишга қабул қилинган ходимга маош ажратиладими. Агар ажратилса, унинг миқдори қанча бўлиши керак?

Ш. Хошимов,
Хамза тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 86 - моддасига асосан: Дастлабки синов муддати даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва қорхондада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ таътиб этилади. Шу кодекснинг 153 - моддасига асосан, меҳнат ҳақининг миқдори иш бериш билан ходим ўртасидаги қилишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги ва унинг миқдори бирон - бир тарзда чекланмаслиги белгиланган.

Санжар ТОҶИДДИНОВ,
Олмазор туманидаги 7-сонли
ДНИ нотариуси

Ота — оналик ҳуқуқидан чеклаш қандай оқибатларга сабаб бўлиши мумкин? Агар ота-онанинг ҳар иккаласининг ҳам ҳуқуқи чекланса, қонун қандай йўл туپлади?

С. Омонов,
Шайхонтохур тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 84 - моддасига асосан: Ота - оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек, болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Отаси ёки онаси, яъни улардан бирининг ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқи чекланган бола турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Шунингдек, ота-она ва бошқа қариндошлари билан туғилганлиги фактига асосланган мулк ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ота-она иккаласининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган тақдирда бола вақтинча ёки доимий равишда қариндошлари билан белгиланган.

Шоҳида ЗУФАРОВА,
Учтепа туманидаги 1-сонли
ДНИ нотариуси

Йилнинг баҳор, айниқса ёз мавсумида йўлларда велосипед ҳайдовчиларининг сони кўпаяди. Қолаверса, сўнгги йилларда ёшлар орасида велосипедларни ижарга олиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракатланиш ҳоллари кузатишмоқда. Айтин-чи, қонунчилигимизда велосипед ҳайдовчилари учун ҳам йўл ҳаракати қоидалари мавжуддими?

Ш. Маҳмудова,
Юнусов тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарорига кўра, «Йўл ҳаракати қоидалари» тасдиқланган бўлиб, унинг 27-бандида велосипедларни бошқаришга оид талаблар белгиланган бўлиши айтилади. Ушбу талабларга кўра, велосипедчи йўлда фақат 14 ёшга тулган шахсларнинг бошқаришига рухсат этилади.

Велосипедларни миниб бориш ёки ҳайдаб кетиш пайтида йўлнинг четки ўнг бўлағида имкони борича йўл томонидан бир қатор бўлиб ҳаракатланишга йўл қўйилди. Агар пйёдаларга ҳалақат бермаса, йўл ёқасида ҳам ҳаракатланишга рухсат этилади. Велосипед ҳайдовчиси эътибор бериш керак бўлган муҳим жиҳат шундани, у йўл ёқасини тротуар, яъни пйёдалар йўлагидан фарқлаши зарур. Йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишда велосипедчилар йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлайдиган ҳамда уларни қувиб ўтишни осонлаштирадиган гуруҳларга бўлиниши керак.

Велосипедга қўйиладиган асосий талаблар шунданки, унинг товшу бергим мослашмаси жиҳозланган ва термозси саз бўлиши зарур. Қоронғуда ва етарли кўринмаслик шароитида велосипеднинг олд томонига оқ рангли, орқа томонига қизил рангли чирокча ёки қизил рангли нур қайтаргич, ён томонларига эса заргалдоқ ёки қизил рангли нур қайтаргич ўрнатилиши кераклиги белгиланган.

Ботир НОМЗОВ,
Умида БОЗОРОВА,
Шайхонтохур туманидаги ДНИ нотариуслари

Нотариал тасдиқланган васиятнома қандай тартибда расмийлаштирилади? Бу жараёнда махфий васиятнома ҳам тасдиқланиши мумкин экан. Унинг тартиби қандай?

Л. Жавлонов,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1125-моддаси «Нотариал тасдиқланган васиятнома» деб номланган бўлиб, унга кўра:

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятнома васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан, яъни ёзув машинаси ёки шахсий компьютердан фойдаланилиши мумкин.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятнома имзоланган олдидан васият қилувчи унинг маънавий нотариус олдига тўлиқ ўқиб чиқилиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятнома шахсан ўқий олмаса, васиятнома маънавий васият қилувчи ва нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномаи шахсан ўқий олганлигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмунини билан танишиб чиқилмасдан, яъни махфий васиятнома тарзида тасдиқланиши ҳам мумкин. Махфий васиятнома васият қилувчи ҳақиди саналмаслиги ҳавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзоланиши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилда солиниб, хатжилд елимиланиши лозим. Гувоҳлар ўз фамилиялари, исми-ри, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилда имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилда солинади ва бу хатжилд ҳам елимиланади. Нотариус томонидан унга тасдиқлаш устатининг ёзиб қўйилиши белгиланган.

Бекзод АЛИМОВ,
Умида АЗИМОВА,
Олмазор туманидаги 9-сонли ДНИ нотариуслари

2014 йил — Соғлом
бола йилиБОРЛИФИМСАН,
БОЛАЖОНЎзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси томонидан Республика
қўйирчоқ театрида «Борлиғимсан,
болажон» деб номланган
маърифий тadbир ўтказилди.Унга Тошкент шаҳридаги кам таъмин-
ланган oilаларнинг фарзандлари таклиф
этилди.Президентимиз Ислам Каримов раҳнамо-
лигида навқирон авлодчи ҳеч кимдан кам
бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, улар-
нинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, са-
ломатлигини мустаҳкамлаш масаласига дои-
мий эътибор қаратиб келинмоқда.«Соғлом бола йили» Давлат дастури дои-
расида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси
томонидан болаларни миллий анъана ва қад-
риятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш-
га оид бир қатор амалий-чора-тадбирлар
ҳайтга кенг татбиқ этилмоқда. Мактабгача,
умумий ўрта таълим масканларидаги ўқув-
тарбиявий муҳитни такомиллаштириш, oilа,
маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини
тобора мустаҳкамлашга доир ақциялар, иж-
тимоий лойиҳалар шулар жумласидандир.— Oilа, маҳалла, мактаб ўртасида сама-
рали ҳамкорлиқни йўлга қўйишда хотин-қиз-
лар қўмитаси, «Ота-оналар университети»
жамоат тузилмаси, маҳалла фаолларининг
ҳиссаси катта бўлмоқда, — дейди Олмасор
туманидаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йи-
гинининг диний маърифат ва маънавий-ақ-
лоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳат-
чиси Муҳаддас Кабирова. — Буларнинг бар-
часи болаларнинг саломатлигини сақлаш,
ўқувчи-ёшларнинг таълимдан ташқари бўш
вақтини унумли ўтказишда муҳим омил
бўлмоқда.Тadbир доирасида Г.Саидованинг
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаб-
буси билан «Шарк» нашриёт-матбаа акция-
дорлик компаниясида chop этилган «Кичкин-
тойлар учун физика» номли шеърӣ тўплами
тақдими бўлиб ўтди.Ёш томошабинлар учун «Оҳ, бу Хўжа
Насриддин» номли спектакль намойиш этилди.
Болаларга совғалар улашилди.Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош
вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-
қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонава сўзга
чикди.Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбириҲар йили Бутунжаҳон
атроф-муҳит кунини кенг
нишонлаш, жамоатчилик
эътиборини экология,
атроф-муҳит муҳофазаси,
ер, сув ва қайта
тикланмайдиган энергия
заҳираларини тежаш,
биохилма-хилликни
сақлаш масалаларига
қаратиш мақсадида
экоҳафталиқ ўтказиб
келинади.

Экоҳафталиқ — 2014

ТАБИАТНИ АСРАШ — БАРЧАМИЗНИНГ
БҮРЧИМИЗҲафталиқ доирасида республика-
миз вазирлик ва давлат муассаса-
лари, корхоналар, илм-фан ва
санъат соҳаси ходимлари, олий ўқув
юртлари талабаларининг фаол иш-
тирокида бир қатор қизиқарли тadbир-
лар ташкил этилади.Мана шундай тadbирлардан бири
сўлим ва баҳаво Гафур Фулом но-
мидаги маданият ва истироҳат бо-
ғида бўлиб ўтди.Шаҳримиздаги олий ўқув юртла-
ри, касб-хунар коллежлари, акаде-
мик лицей, умумтаълим мактаб-
лари ва «Баркамол авлод» шаҳар
ҳамда туман марказлари ёшлари
қатнашган ушбу тadbир асфальтга
расм чизиш, каштачилик, тўқувчи-
лик, заргарлик, «Бутун оламни ас-
райлик» шиори остидаги кўргазма-
лар кўрик-танлови билан ниҳоятда
қизиқарли ва ҳаяжонга бой тарзда
ўтди.Ўқувчи-ёшлар ўзларининг беғубор
болалик оламида яратган асарла-
ри, тўқиган, чизган, асган ҳар бир
ишларида она-табиати асраш, қуш-
лар ва гулларга меҳр беришни жуда
чиройли тарзда кўрсата олганлар.— Бугунги кун ёшлари жуда икти-
дорли ва идрокли, — дейди Тош-
кент шаҳар табиати муҳофаза
қилиш қўмитаси мутахассиси Ма-лоҳат Мирзамухамедова. — Ҳар йили
анъанавий тарзда ўтказиладиган
тадбиримизга албатта бир янгилик,
ўзига хос ишлари билан келишади.
Мақсадимиз фарзандларимизга
ёшлиқдан бизга инъом қилиб бе-
рилган она-табиати асраб-авай-
лашга, жонзоту ўсимлик дунёсидан
боҳабар қилиб, уларга меҳр қўйиш-
га ўргатишдир.— Болажонларимиз кўз нуримиз,
эртанги бунданда ёруғ кунларимиз-
нинг ишончли давомчилари, — дей-
ди суҳбатга қўшилган «Баркамол ав-
лод» марказининг Бектемир туман
бўлими каштачилик тўғраги раҳба-
ри Сайёра Аҳметова. — Тadbирда
кўргазмаларимиз, заргарлик, каш-
тачилик ва тўқувчилик ишларимиз
билан қатнашдик. Қаранг, болажон-
ларимизни кузатсангиз улардаги
интилиш, қизиқувчанлик ва бажара-
ётган ишига бўлган муҳаббатни
кўрасиз. Болалар катта имтиҳондан
ўтиш, тенгдошларидан ортда қол-
маслик, бир-бирларидан кам
бўлмаслик учун ҳаракат қилишмоқ-
да. Улар билан ишлаш жуда завқ-
ли, айна вақтда масъулиятли, токи
биз ўз ҳаракатларимиз билан улар-
га ўрнак бўлмас эканмиз, қўтилган
натигага эришиш қийин менимча.

Биз бири-бирдан ажайиб юмшоқ

йўнчоқлар, турли гулларни ясаб,
кўргазмага қўйган, шу билан бирга
яна мароқ билан нимадир тўқиб
ўтирган қизчага яқинлашиб, суҳбат-
га тортидик.— Мен 64-мактабнинг 6-синфида
ўқийман, — деб ўзини таништирди
Моҳира Атақулова. — Тошкент ша-
ҳар «Баркамол авлод» марказига уч
йилдан бери қатнайман. Тўқиб тўға-
рағида устозим Нарғиза Болтаева-
дан тўқишнинг барча сир-синоати-
ни ўргандим. Турли танловларда қат-
нашиб фахрли ўринларни эгаллаб
келмоқдам. Устозим ҳамиша би-
рон ноодатӣ, янгилик бўла олади-
ган нарсга яратишга ҳаракат қилин-
лар деб сабоқ берадилар. Биз ҳам
шундан келиб чиққан ҳолда масъу-
лият ва меҳр билан ишимизга ёндо-
шамиз.Барча йиғилганларга бир олам та-
ассурот ва хуш кайфият улашган тadb-
бирда ташкилотчилар голибларга,
имкон қадар барча иштирокчи бо-
лажонларга совға-саломлар ва боғ-
даги ўйингоҳларга чипталарни топ-
шириб, байрамнинг узок вақт ёдда
қолишига хизмат қилдилар.Шоира МУХАМЕДОВА
СУРАТДА: Боғда бўлиб ўтган
тадбирдан лавҳа

Алексей Попов олган сурат

қаровсиз қолган сув ҳавзаларида аҳоли томонидан
чўмилиши доимий одат бўлиб қолган ва илгари чўкиш
билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар юз берган ҳудуд-
ларга, аҳолига аниқ кўринадиган жойларга «ЧҮМИ-
ЛИШ КАТЪИЙ ТАҚИҚЛАНАДИ! КУПАНИЕ СТРОГО
ЗАПРЕЩАЕТСЯ!» тақиқловчи белгиларнинг муста-
кам ўрнатилишини таъминлаш ва бу борада тақиқ-
ловчи белгилар ўрнатиладиган жойларда чўмилмаслик-
лари юзасидан кенг тушултириш, тарғибот ва ташви-
қот ишлари олиб бориш, «Саноттеоконтехназорат»
Давлат инспекцияси ва Тошкент шаҳар Табиати му-
ҳофаза қилиш қўмитаси давбионазорати хизмати-
га мурожаат этиб, мавжуд моторли, қутқарув ва сузиш
қайиқларининг ҳамда катамаранларнинг техник ҳола-
тини текширувдан ўтказиш, яроқчилиги бўйича ҳуло-
са олингандан сўнг улардан фойдаланиш, очик ваёпиқ сув ҳавзаларида, ташкил этил-
ган аҳолининг дам олиш ва чўми-
лиш масканлари кузатув минора-
лари, қутқарув қайиқлари, қутқарув
жилетлари, қутқарув айланмалари,
овоз кучайтиргичлар (мегафон),
хуштак ва биноклар, ғаввослик ва
қутқарув асбоб-анжомлари ҳамда
бошқа зарур асбоб-анжомлар би-
лан тўлиқ таъминлаш, сув ҳавза-
ларида чўкиш билан боғлиқ бахт-
сиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва жаҳрланган фу-
қароларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйи-
ча, тиббиёт пунктлари ташкил этилиши, уларда тиб-
биёт ходимларининг навбатчилиги уюштирилиб, за-
рур дори-дармонлар билан таъминлаш фармойиш-
да ўз ақсини тошган.Бундан ташқари, Тошкент шаҳри туманлари ҳуду-
дидан оқиб ўтувчи дарё, канал ва анҳорларда, қўриқ-
ланмайдиган ёки қаровсиз қолдирилган сув ҳавза-
ларида ўқувчи ва талабаларнинг доимий чўмилиш
одат бўлиб қолган жойларида чўкиш билан боғлиқ
бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида,
ўқувчи ва талабалар орасида тарғибот ишлари олиб
борилади.Юқоридаги фармойиш талаблари ижросини таъ-
минлаш борасида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазият-
лар бошқармаси ходимлари хозирданок мутасадди
идоралар билан ҳамкорликда пойтахт ҳудудидаги
мавжуд очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, дарё, канал ва
анҳорларда хавфсизлиқни кучайтиришга доир кенг
қўламли муҳофаза тadbирларини бошлашди.Профилактик тadbирларни олиб боришдан асо-
сий мақсад, инсонларнинг сувда чўкиши билан боғ-
лиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, улар-
нинг бевақт қурбон бўлишига йўл қўймаслиқдир.

Азамат СУЮНОВ

Анжуманлар

ҲАМКОРЛИК САМАРА
БЕРАДИТошкент Давлат аграр университетида
талабалар, ўқитувчилар иштирокида
ўтказилган конференция олий таълим
муассасалари ҳамкорлигини янада
мустаҳкамлаш масалаларига
бағишланди.Унда иштирок этган ўқитувчилар университетнинг бошқа олий
ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари билан
ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳақида ўзаро
фикр алмашишди.Тadbир қатнашчиларининг фикрига кўра, таълим муассаса-
ларининг ўзаро ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим. Чунки энг аввало
маънавий етук ва баркамол авлодчи вояга етказиш ҳар бир
илм маскани олдида турган муҳим вазифалардан биридир.
Аввало, олий ўқув юртлари орасида ўзаро илмий ҳамкорлик
ривожлантирилиши керак. Бундан ташқари олий ўқув юртлари-
нинг коллеж ҳамда лицейлар билан ўзаро ҳамкорлиқни янада
такомиллаштиришлари талаб этилади. Чунки академик лицей
ва коллежларда ёшларга олий ўқув юртларида фаолият юрита-
ётган малакали профессор-ўқитувчилар сабоқ беради. Бу ўрта
махсус касб-хунар таълими ўқувчиларини пухта билим олиш-
лари асосини бўлиб хизмат қилади.Тadbир якунида бу борада бағишланиш лозим бўлган вазифа-
лар режаси белгилан олди. Тошкент Давлат аграр уни-
верситетининг талабалари томонидан яратилган айрим ускуна
ва иxtиролар кўргазмаси намойиш этилди.

(Ўз мухбиримиз)

СПОРТНИНГ АМАЛИЙ
ТУРЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИБЎзбекистон Мудофасига
қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти
Учтепа ЎСТК унитар корхонасида
милиқдан ўқ отиш бўйича мусобақа
ўтказилди.Таъкидлаш жоизки, ташкилот бугунги кунда «Соғлом бола
йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида ёшларни
ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортнинг техник ва
амалий турларига болаларни жалб қилиш мақсадида фаоли-
ят юритиб келмоқда.Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон
Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оши-
ришга қаратилган қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Қаро-
рида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда
ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш,
уларни спорт билан шугулланишига жалб қилиш мақсадида
ўтказилган мусобақада ташкилот ходимлари ва курсантлар
қатнашди.Тadbирда мураббий А.Мирзоев ёшларга ўқ отиш бўйича
маҳорат дarsларини ўтказди.Узига хос тарзда ўтган тadbирда ўқил болалар ўртасида
биринчи ўрин Ойбек Абдувалиевага, қизлар ўртасида эса Са-
нобар Низомовага насиб этди.

Голибларга диплом ва эсdалик совғалари топширилди.

Бундай мусобақалар албатта ёшларимизни соғлом, мато-
натли ва жасур қилиб тарбиялашда ўз таъсирини кўрсатади.

Зарина РУСТАМОВА

Ўлкамизга ёз фасли ўтган йилга нисбатан эртaroқ кириб келди.
Гидрометеорология хизматининг берган маълумотига кўра, бу йилги саратон
мавсуми ҳам одатдагидек иссиқ келиши кутилмоқда. Бу шубҳасиз, аҳолининг
сувда чўмилишга бўлган эҳтиёжини оширади.Шу боис, сув билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларга
йўл қўймаслик, бундай кўнгилсизликларнинг олди-
ни олиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишла-
рини кучайтириш шу куннинг кенчиктириб бўлмайди-
ган вазифалари сирасига киради.Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йилнинг 16
май кuni эълон қилинган «Тошкент шаҳри ҳудуди-
даги мавжуд очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, дарё,
канал ва анҳорларда хавфсизлиқни таъминлашга
қаратилган чора-тadbирлар тўғриси-
да»ги фармойишини таъминлаш
мақсадида мутасадди идоралар
томонидан муҳофаза тadbирлари
бошлаб юборилди.Сувда чўкиб кетиш билан боғ-
лиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг асо-
сий сабаблари пойтахтимиз ҳуду-
дидан оқиб ўтувчи каналлардаги
сувнинг ҳарорати доимий пастли-
ги, оқимнинг тезлиги, маҳаллалар
ҳудудида яшовчи аҳоли томонидан ёш болаларнинг
қаровсиз ва эътиборсиз қолдирилиши, маданият ва
истироҳат боғларида болаларнинг ўз ихтиёрига таш-
лаб қўйилганлиги, каналлар қирғoқларида жойлаш-
ган кафе ва чойхоналарда турли ёшдаги фуқаро-
ларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, сер-
гакликларини йўқотиб қўйишлари, республика ви-
лоятларида қўйишга келган абитуриент ва талаба-
ларнинг чўмилиш тақиқланган жойларда чўмилиш-
лари ва бошқа омиллардир.Шунинг учун ҳам, чўкиш билан боғлиқ нохуш ҳо-
дисаларнинг олдини олиш бўйича ёз мавсумида Тош-
кент шаҳри ҳудудидаги мавжуд каналлар, сув ҳав-
залари, чўмилиш жойларида фуқароларнинг хавф-
сизлигини таъминлаш, ҳамда тақиқланган жойлар-
да чўмилишга йўл қўймаслик, шунингдек, Тошкент
шаҳар ҳокимининг 2014 йил 16 майдаги фармойи-
ши ҳамда 2013 йил 30 декабрдаги буйруғи талаб-
ларини бағиш мақсадида Тошкент шаҳар Фавку-
лодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томони-
дан қатор профилактик тadbирлар давом эттирил-
моқда.Маъмур фармойишда Тошкент шаҳри ҳудудидаги
мавжуд очик ва ёпиқ сув ҳавзаларида (қўриқлана-
диган ва қўриқланмайдиган анҳор ва каналлар,
чўмилиш зоналари ва бассейнлар) фуқароларнингхавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тад-
бирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда фуқа-
роларнинг чўмилиши жараёнида хавфсизлигини таъ-
минлаш учун лозим бўлган қутқарув асбоб-анжом-
ларини шай ҳолга келтириш, бахтсиз ҳодисалар со-
дир бўлаётган асосий жойларга мавсум давомида
постлар кесимида ИИББ тизими хизматлари, ФВБ,
туман ҳокимликлари, маҳалла фаоллари ва жамо-
атчилиқ кенгашлари томонидан навбатчилик, назо-

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ЁЗГИ МАВСУМ ОГОҲЛИК ВА
ҲУШЁРЛИККА УНДАЙДИрат-кузатув постлари ташкил этиладиган ҳудудлар-
нинг манзиллари жадвали тасдиқланиши кўрсатиб
ўтилган.Ички ишлар бош бошқармаси, Маданият ва спорт
ишлари бош бошқармаси, туман ҳокимлари, Бола-
лар спортини ривожлантириш жағфармаси, «Маҳал-
ла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижти-
моий ҳаракати билан биргаликда Тошкент шаҳри ту-
манларидаги чўмилиш белгиланмаган маҳаллалар
ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё, канал ва анҳорларда,
қўриқланмайдиган ёки қаровсиз қолдирилган сув ҳав-
заларида пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларнинг
доимий чўмилиш одат бўлиб қолган жойлари аниқ-
ланиб, бундай масканлар хатловдан ўтказилиб, кел-
гусида чўкиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг
олдини олиш мақсадида фуқароларнинг чўмилиши-
ни қатъий тақиқлаш белгилан бўлиб қўйилди.Шунингдек, маъмур ҳудудларда чўкиш билан боғ-
лиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсади-
да, маҳалла раислари, фаоллари, маҳалла посбон-
лари, жамоатчилик кенгаши, округ ва сектор раҳ-
барлари, туман Ички ишлар бошқармаси профилак-
тика инспекторлари ходимларидан иборат навбатчи-
лик, қўриқлаш, кузатув постлари белгиланиб, ту-
ман ҳокимлари томонидан туманлар ҳудудидан оқиб
ўтувчи дарё, канал, анҳор ва қўриқланмайдиган,Тошкент
ОқшомиМанзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-552007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинганНашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИБизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 656

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11961 нускада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уйБош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ